O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

«Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!»

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 12-may • Shanba • 57 (27.702) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак

Хотира ва Қадр. Халқимизга хос юксак инсоний фазилатлар ифодаси бўлган бу муқаддас калом ва эзгу тушунчалар Мустақиллик шарофати ва Юртбошимиз ташаббуси билан бундан саккиз йил илгари қайта тикланди, луғатимиздан муқим жой олди, мазмунан янада бойиди. Улар замиридаги инсон ботиний дунёсига дахлдор энг олижаноб туйғуларнинг моҳияти ва аҳамияти ғоят теранлашди.

Эндиликда Хотира деганда, аввало, биз бу дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Қадрлаш дегани — она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш демакдир. Бошқача айтганда, ҳаётнинг кўплаб синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун жон олиб, жон берган, бугун эса кексалик гаштини сураётган меҳрибон ота-боболаримизни, мунис момоларимизни эъзозлашдир.

Ҳозир мамлакатимизда 2,8 миллион пенсионер, шу жумладан, 18 минг нафардан зиёд иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони, 227 минг нафардан ортиқ фронт орти меҳнат фахрийси истиқомат қилади. Шулардан 2,6 минг нафари 100 ва ундан юқори ёшдаги нуроний отахон ва онахонлардир.

Халқимизда «Қариси бор уйнинг — париси бор», «Қариялы уй — мактаб», «Ҳар кексада — бир нақл» сингари пурмаъно ҳикматлар бисёр. Президентимиз ана шу мўътабар отахону онахонларни фаришта-га қиёслар экан, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, эъзозлаш, авайлаш, бошимизга кўтариб яшашимиз муҳим эканини таъкидлади. Жойлардаги раҳбарлар, «Камолот» фаоллари ёшлар билан ҳамжиҳатликда ҳар бир кекса ҳамюртимизнинг ҳолидан хабар олиши, айни чоғда уларни фақат йўқлаш билангина чекланмай, балки вилоятлар марказларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан таништириши, улар билан расмиятчиликдан тамомила узоқ бўлган самимий мулоқотлар уюштириши — ана шу инсонларни ҳақиқий қадрлаш, демакдир.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак. Юртбошимизнинг ўтганлар хотирасини ва жони омонлар қадрини улуғлашга қаратилган бу даъвати жамиятимизнинг саховат устунларини янада мустаҳкамлади. Юртимизда тинчлик ва осойишталик баробарида, инсон хотираси ва қадрининг шундай юксак даражада улуғланаётгани фарзандларимиз учун тенгсиз сабоқ ва муносиб ибратдир.

Дахлдорлик масъулияти

Хотира, Қадр тушунчаларига ёндашувга бу қадар эътибор қаратилаётганининг яна бир жиҳати бор. Маълумки, дунёнинг турли ҳудудларида ҳамон зулм ва зўравонлик ҳукмрон, уруш оловлари ёнмоқда. Минтақамиз ҳам бундай таҳдидлардан, афсуски, холи эмас. Жаҳондаги нотинч вазият ва урушлар ҳақли равишда дунё аҳлини ташвишлантираётир.

Президентимиз айтганидек, уруш ҳеч қачон, ҳеч кимга фойда, наф келтирмаган. Савол туғилади: у ҳолда нимага бугунги кунда ҳам урушлар давом этяпти? Нима учун урушга интилаётганлар, уни бошлаётганлар камаймаяпти?

Булар — оддий, шунчаки саволлар эмас, аксинча, ғоят ҳаётий ва ўткир саволлардир. Урушни ким бошлайди? Албатта, авваламбор, уни муайян манфаатдор кучлар, ёруғ кунларни кўра олмайдиган ичи қоралар бошлайди. Лекин ундан оддий халқ жабр кўради, миллионлаб бегуноҳ кишилар азият чекади. Ачинарлиси шундаки, нафақат урушга гувоҳ бўлган авлод, балки бир неча кейинги авлод ҳам ана шу уруш азобини чекиб кун кўришга мажбур бўлади.

Урушларнинг, мусибатларнинг олдини олиш учун халқимиз биз қандай тарихий шароитда, мураккаб замонда яшаётганимизни яхши англаши, вазиятга тўғри баҳо бера олиши даркор. Энг муҳими, Президентимиз уқтирганидек, жаҳон майдонида халқаро хавфсизлик масаласи билан боғлиқ мутлақо янги тенденция ва вазиятлар, янги таҳдидлар пайдо бўлаётганини ҳар биримиз теран англаб, чуқур ҳис қилиб, айни чоғда, ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз, ҳар қайси юртдошимиз ана шу тушунчаларнинг мазмунмоҳиятини онг-шууридан яна бир ўтказиши даркор.

Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, кечаги кундан асосли хулосалар чиқармай, тегишли сабоқ олмай, бугун атрофимизда рўй бераётган турли воқеаларга тўғри ва муносиб баҳо бермасдан, кечаётган жараёнларга ўзининг дахлдор эканини ҳис қилмай, «бу муаммоларга менинг дахлим йўқ, улар ҳақида ўйлаш менинг ишим эмас, бошқалар бош қотирсин», деган тушунча билан яшаш, лоқайд бўлиш вақти аллақачон ўтиб кетган.

2-бет

ХОРИЖДА ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Пойтахтимиздаги «Фотон» акциядорлик жамиятида экспорт ҳажмини ошириш, маҳсулотнинг бозорбоп турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида яхши тажрибалар тўпланмоқда

Бугунги кунда мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган фотоэлектрон станциялар, катта ўлчамдаги (29 дюмли) рангли телевизорлар, энергияни тежовчи лампалар, телефон аппаратлари, радиоэлектроника саноати ва бошқа мақсадлар учун ишлатиладиган 5 турдаги диод ҳамда транзисторлар нафақат ички бозордаги харидорларга, балки хорижий истеъмолчиларга ҳам манзур бўлаяпти.

Қолаверса, бу ерда тайёрланаётган қуёш нуридан электр энергияси йиғувчи станциялар, савдо дўконларида ишлатиладиган назорат-касса аппаратларига бўлган талаб ҳам кун сайин ортаётир.

Сўнгги йилларда маҳсулот сифатига бўлган алоҳида эътибор ва ишнинг унумли ташкил этилганлиги қўлга киритилаётган муваффақиятлар омили бўлмоқда. Жамоа аъзолари ўз ички имкониятларини ишга солган ҳолда маҳсулот турларини кўпайтиришга эришмоқдалар.

Ўтган 2006 йилда корхонада 2 миллиард 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса бу рақам 965 миллион сўмни ташкил этди.

— Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотлар сотувини янада кенг йўлга қўйиш мақсадида республикамизнинг барча вилоятларида дилерлик марказларини ташкил этдик, — дейди **жамият бошқаруви раиси Маъруф Сайдумаров.** — Маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини ошириш учун эса 2005-2006 йилларда 20 та чет эл Савдо уйлари ва корхоналари билан ҳамкорликда қатор изланишлар олиб борилди. Шу боис ҳам ўтган йили маҳсулот сотиш ҳажми кескин ортди. Экспорт эса 829 минг АҚШ доллари ўрнига, 1 миллион 303 минг АҚШ долларига етди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 340 минг АҚШ долларилик маҳсулот хорижга жўнатилди. Бугунги кундаги асосий вазифамиз чет эллик сармоядорларни жалб қилиш ва улар билан ҳамкорликда жаҳон бозорида рақобатбардош радиоэлектрон анжомлар ҳамда энергияни тежовчи қурилмаларни ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Айни пайтда эса корхонада Жанубий кореялик инвесторлар билан ҳамкорликда турли хилдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан лойиҳалар устида ҳам изланишлар давом этмоқда. Яқинда мазкур мамлакатнинг «Электрон» фирмаси билан замонавий телефон аппаратлари, «Хуман технолоژи» компанияси билан ҳамкорликда эса қуёш электростанциялари учун кремний пластинкалари ишлаб чиқариш юзасидан дастлабки келишув баённомалари тузилди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *ишчи Раъно Икромова; корхона фаолиятидан лавҳалар.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

❖ **2007 йил – «Ижтимоий ҳимоя йили»**

БОҒДА ЎТГАН УЧРАШУВ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 23 январда қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида кексаларга, фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, муҳтожларга беғараз ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланган. Бундай хайрли ишларга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган хайрия тадбири ана шундай эзгу ишлардан бири бўлди. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан қатор муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирга мингга яқин уруш ва меҳнат фахрийси, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож инсонлар таклиф этилди.

Пойтахтимизнинг Қўйлиқ даҳасида истиқомат қилувчи Евгения Ким улардан бири. Онахоннинг айтишича, иккинчи жаҳон уруши йилларида оиласи Кореядан Ўзбекистонга эвакуация қилинганида у икки ёшли гўдак бўлган экан.

— Ўзбекистон — менинг она-Ватаним, — дейди у. — Чунки, шу юртда яшаб, шу халқ — ўзбекларнинг меҳр тафтида улғайдим. Бугун кексайиб, ёлғиз қолганимда ҳам ана шундай эътибор, ғамхўрликдан баҳраманд бўлаётганимни ушбу заминда яшаётган халқнинг тантилиги, олижаноблигидан, деб биламан.

Нуроний отахонлару онахонлар, кам таъминланганлар шарафига концерт дастури ва тўкин дастурхон уюштирилиб, Республика қўғирчоқ театри жамоасининг спектакли намойиш қилинди. Совғалар улашилди.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири

Суратда: тадбирдан лавҳа.
Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»

танловига марҳамат!

Азиз ҳамкасблар! Ўтган йил мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида, ҳаётимизнинг барча йўналишларидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигини оширишда алоҳида ўрин эгаллади.

Мамлакатимиз ижод аҳли халқимиз эришаётган ютуқларни, ўй-мақсадларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бордилар. Табиийки, бу ишлар газета ва журналлар саҳифаларида, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда, янги-янги чиққан китоблар саҳифаларида ўз аксини топди.

ОАВда меҳнат қилаётган азиз ҳамкасблар, жамоатчи мухбирлар, сизларга «Йилнинг энг фаол журналисти — 2006» танлови давом этаётганини маълум қиламиз. Танловга 2006 йилда эълон қилинган ижодий ишлар ҳавола этилади.

Голиблар анъанавий касб байрамимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни — 2007 йил 27 июнь арафасида аниқланиб, рўйхати матбуотда эълон қилинади. Голиблар мукофотлар билан тақдирланадилар.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан Ижодий уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали топширилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони ва манзили ҳақидаги маълумот ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

Танловга материаллар шу йил 10 июнгача қабул қилинади.

Материаллар қуйидаги манзилга юборилади: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30, 35, 37-хоналар. Телефонлар: 144-64-62; 144-64-61; 144-37-87. Факс: 144-69-65. E-mail: ijod@ sarkor.uz www.Journalist.uz

КУТУБХОНА УЧУН ЯНГИ УСКУНАЛАР

Куни кеча пойтахтимизда «Республика болалар кутубхонасини аудиовизиуал ускуналар билан таъминлаш» лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳа Япония ҳукуматининг маданият соҳасидаги беғараз ёрдами дастури доирасида амалга оширилиб, умумий қиймати 28,6 млн. иен (240 минг АҚШ доллари)ни ташкил этади. Бунинг натижасида кутубхонада замонавий ахборот, интернет ва медиатехнологияни ўзида жамлаган ноёб ахборот интеллектуал марказ ташкил этилди.

Тадбирни кутубхона директори Фотима Бухарова кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг халқ таълими вазири ўринбосари Усмонали Мусаев ва Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото сўзга чиқиб, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, таълим тизимига қаратилаётган эътибор хусусида тўхталишди.

Маъмуржон МАҲМУД

Суратда: тақдимот маросимидан лавҳа.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дунёда текин ва холис нарсанинг ўзи йўқ. Бировнинг марҳамати-ю маслаҳатига учиб эмас, аксинча, фақат ўз куч-қудратимизга, салоҳиятимизга, миллий қадриятларимизга, имон-иродамизга таяниб иш кўришимиз лозим. Чунки XXI аср бошида — турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайиши жараёнида, яъни глобаллашув замонида яшаяпмиз.

Бугун наинки юртимизнинг, балки дунёнинг у ёки бу ёқасидан бу ёки бу ёқасига қадар — бир қадам. Бугун деярли ҳар бир хонадонда, ўқув даргоҳида, корхонада, кўча-кўйда — интернет-кафеларда замонавий компьютерлар бор ва улар Интернетга уланган. Демак, ҳар қандай хабарни тезкор узатиш ва ўз вақтида қабул қилиш имконияти мавжуд. Эндиликда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари шарофати туфайли инсон ўз уйида ўтирганича дунёнинг турли чеккаларида қандай воқеа-ҳодисалар юз бераётганлигини нафақат эшитиш, айни чоғда кўриб-кузатиш имконига эга. Бир сўз билан айтганда, глобаллашув даврининг хосияти шуки, одамзот Оллоҳ инъом этган неъматларидан фойдаланган ҳолда, мазмунли яшаши учун барча шарт-шароит муҳайё.

Лекин айнан глобаллашув баҳонасида дунёнинг нариги четида жойлашган қайсидир давлат дунёнинг бериги бетидаги қайсидир мамлакатга сиёсатини ўтказишга, уни ўзига тобе қилиб олишга интилмоқда. Бунда ўша халқнинг на миллий қадриятлари, на урф-одатлари эътиборга олинаяпти ва на ўша юртда яшайдиган инсонларнинг дину диёнати, имон-эътиқоди, хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашиляпти. Худдики, «Даврнинг келди — сур, бегим» қабилидаги ана шу зўравонларча ёндашув — глобаллашув замонининг энг катта хавф-хатарига айланди. Бошқача айтганда, дунёдаги айрим қудратли давлатлар баъзи халқларни ўзига бўйсундиришни, ўз измига солишни истайди.

Мабодо, ўша озод халқ, эркин мамлакат бунга кўнмасачи? У ҳолда чора дарров топилади — бунинг учун шу халқ ва мамлакатга кейинги пайтда урфга айланган бир қатор «айблар» ёпиштирилади. Яъни, демократияга қарши ҳам, инсон ҳуқуқларини поймол қилаётган ҳам, оммавий ахборот воситалари эркинлигини бўғаётган ҳам ўша — тобе бўлишни истамаган халқ, мамлакат бўлиб чиқади.

Эътироф этилган ҳақиқат

Бундай нохолис сиёсатга ўз тарихимиздан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, 2005 йилнинг май ойида содир этилган Андижон воқеаларини олайлик.

Ўтган даврда юртимиз, халқимиз шаънига қанчадан-қанча бўҳтон, фиск-фасод, таҳқиру ҳақоратлар ёғдирилмади, дейсиз. Лекин, вақт — олий ва одил ҳакам. Орадан икки йил ўтди ва бугун ҳаммаси жой-жойига тушяпти — буларнинг барчаси атайлаб уюштирилган уйдирмалар эканини ўша кирдикор эгаларининг ўзлари ҳам тан олмоқда. Халқимиз Президент Ислом Каримов раҳбарлигида танлаган тинчлик, ҳамкорлик ва миллий тараққиёт йўли энг тўғри йўл эканлигини бутун дунё яна бир бор эътироф этмоқда. Ўша таҳликали кунларда халқимиз парокандаликка тушмай, ўз Йўлбошчиси атрофида янада жипслашгани, ўзи танлаган йўлдан оғишмай олға боргани ва бораётгани тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи яна бир бор исботлади.

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!

Аммо ўз ғаразли манфаатлари йўлида уруш ва парокандалик оловини яна ёқишга уринаётган кучлар бугун ҳам йўқ эмас. Улар ўз мақсади йўлида ҳар хил найрангларни ишга солаётир. Хотира ва Қадрлаш тушунчалари бугунги кунда тағинда чуқурроқ аҳамият касб этаётганининг яна бир сабаби шундаки, инсонга меҳр кўрсатиш, уни улуғлашга қаратилган ушбу аъмоллар бизни ана шундай кучларга нисбатан сезгир ва ҳушёр бўлишга, кечаги кун жароҳатларидан сабоқ чиқаришга ундайди.

Бу борада, айниқса, буюк келажак эгалари — навқирон авлод зиммасидаги масъулият ғоят каттадир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, аввалгидек, ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз ўз иродасини чиниқтириши, имони бут бўлиши, халқимизнинг кечаги ҳаётини, яқин тарихимизни, бугунги кунимизни пухта ўрганиши, нафақат ўрганиши, балки онг-шуури-дан, қалбидан ўтказиши шарт.

Ҳа, айнан халқимизнинг яқин ва олис тарихини чуқур билиш — энг муҳим масала. Бунинг учун мамлакатимиздаги кутубхона ва архивлар билан чекланмай, аксинча, дунёнинг энг номдор кутубхонаю архивларини ҳам атрофлича ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекнинг ғурури, фахри, авваламбор, ўз ота-боболари тарихини яхши билишидадир. Шундай экан, башарият ривожига, инсоният тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини уларнинг авлоди, меросхўрлари сифатида бошқалардан кўра кўпроқ ва хўброқ билишимиз жоиз.

Бугунги ёшлар юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ўзгаришлардан наинки хабардор, балки ҳаётбахш ислоҳотларимизга бевосита дахлдор бўлиши, «Шу Ватан — менинг уйим, мен ўз уйим — Ватанимни ҳимоя қилишга масъулман», деган тушунча билан яшаши даркор.

«Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!» — ёшлар замонавий билимларни эгаллашга, илм чўққиларини забт этишга бел боғлар экан, аввало, ана шу даъватга таяниб иш кўришлари айни муддаодир. Зотан, биз — Амир Темур каби буюк инсонларнинг ворисларимиз. Биз ўшаларга муносиб бўлмоғимиз зарур.

Ҳадемай, юртимизда Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллиги кенг нишонланади. Ўтган даврда мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган муқаррар, қонуний жараёнга айланди.

Бугунги кунда ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларида ўз тасдиғи ва исботини топган, эътироф этилган ушбу ҳақиқатни Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз танлаган йўл — тараққиётнинг ўзбек модели, жамият ҳаётини эркинлаштириш жараёнлари амалда ўзини оқлаётгани ҳам, ҳаётбахш ислоҳотларимиз бераётган юксак самаралар ҳам яққол тасдиқламоқда.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

❖ ЎзХДП туман кенгашларида

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ

Янгиқўрғон қишлоғидан Бағдод тумани марказига қатновчи йўловчи автобусда кетаётган эдим. Бекатлардан бирида тушаётган ўқувчи ёшлар ҳайдовчига «педагогика коллежида ўқиймиз» дея ҳужжатларини кўрсатишди-да, уч юз сўм йўлкира ўрнига юз сўмдан беришди.

— Хайрият, ўқувчиларга имтиёз бор экан, — дедим ёнимдаги ҳамроҳимга.

— Ҳа, ўтган йилдан буён Бувайда туман педагогика коллежига қатнаётганлар учун шу имтиёз жорий этилди, — деди у. — Бунинг учун ЎзХДП туман кенгашига раҳмат. Чунки туманнинг турли қишлоқларидан коллежга қатнаётган ўқувчилар учун имтиёз жорий этиш масаласини туман партия кенгаши кўтариб чиқди. Шу масалада автосарой маъмурияти ва бошқа тегишли ташкилотлар билан келишилиб, ўқувчилар учун йўлкирани камайтириш масаласини ҳал этишди. Бундан ташқари шу коллеждаги аълочи, намунали ўқувчилари учун ХДП стипендияси ҳам ташкил қилинган.

— Таълим-тарбия муассасалари билан ХДП туман кенгашининг алоқалари жуда яхши, — дея суҳбатга қўшилди ўзини 9-мактабгача таълим-муассасаси ходимаси, ХДП аъзоси Мавжудахон Ҳасанова дея таништирган аёл, — яқинда боғчамизда ўтказилган туман боғчаларо «Севимли ўйинчоқлар 2007» кўрик-танловини уюштиришга ҳам партиямиз туман кенгаши ҳомийлик қилди.

— Туман халқ таълими ходимларининг анъанавий спартакиадасини ўтказишга ҳам ХДП туман кенгаши бош-қош бўлди, — деди йўловчилардан бири. Спортнинг беш тури бўйича ўтказилган мусобақалар ғолибларига партиянинг қимматбаҳо совринлари топширилди.

Автобусдаги бошқа йўловчилар ҳам тажрибали партия ходими Ҳабибахон Тошматова раҳбарлик қилаётган туман ХДП кенгаши фаолияти ҳақида илиқ фикрлар билдиришди.

Шу аснода ёзишни ният қилганим — ЎзХДПнинг бошқа туманлардаги қатор ижобий ишлар кўз олдимга келди...

✧✧✧

ЎзХДП Ёзёвон туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига шу тумандаги «Алишер-87» фермер хўжалиги раҳбари Каримахон Халилова ташвишли қиёфада кириб келди.

— Кўп жойларга арз қилдим, лекин муаммоим ижобий ҳал бўлмаяпти, — деди у. — Ниҳоят ўзим аъзо бўлган партия менга кўмак берар, деган умидда сизларга мурожаат этаяпман.

Маълум бўлишича, Фарғона пахтани қайта ишлаш акциядорлик жамияти ўтган йили мазкур фермер хўжалиги топширган пахта хомашёси учун тўланиши лозим бўлган 1 миллион сўмга яқин пулни ҳали ҳам тўламаган экан.

ХДП туман кенгашининг бу борадаги мурожаатлари бесамар кетгач... ХДП туман кенгаши шу масала юзасидан Фарғона вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Туман кенгаши раиси ўринбосари Музаффар Раҳматов суд жараёнида фермер хўжалигининг ишончли вакили сифатида қатнашиб, хўжалик манфаатларини ҳимоя қилди. Ҳақиқат юзага чиқди. Хўжалик судининг қарорига мувофиқ Фарғона пахтани қайта ишлаш акциядорлик жамиятидан «Алишер-87» фермер хўжалигига 996582 сўм пахта пули ва кечиктирилган вақт учун 340000 сўм жарима ундириб берилди.

Бундан ташқари яна бир ғалати ҳолат аниқланди. Маълум бўлишича, 2006 йил топширилган пахта ҳосили учун «Алишер-87» фермер хўжалигига тўланиши керак бўлган 1 миллион 124 минг сўм пул бошқа фермер хўжалигига ўтказиб юборилган экан. Оқибатда бу маблағ ҳам «Алишер-87»га қайтарилди.

✧✧✧

Вилоят ХДП ташкилотларида «Ижтимоий ҳимоя йили»да эл-юрт манфаати йўлида қилинаётган бу каби ижобий ишлар кўп. Масалан, ЎзХДП Учқўприк туман кенгаши кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан ўн нафарининг ҳар бирига ўттиз минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. ЎзХДП Олтиариқ туман кенгаши Ҳамза шаҳридаги кам таъминланган оилада яшовчи 4-синф ўқувчиси Иброҳимжон Раҳимов учун Халқ банкида ҳисоб-рақами очди ҳомийлар ёрдамида. Ҳар ойда унга пул маблағи ўтказилади. И.Раҳимов 18 ёшга тўлганида йирик жамғармага айланган бу маблағни олиш имкониятига эга. Марғилон шаҳрилик К.Муллажонов, С.Бакировлар ўз ихтиросликлари бўйича ишга жойлашганликлари учун ЎзХДП аъзоси Камолжон Мадкариновдан беҳад миннатдор.

✧✧✧

Халқ демократик партияси аъзолари одамларнинг интилиш ва ташвишларига, Ватан, халқ манфаатлари йўлида қилинаётган барча эзгу ишларга ҳамиша камарбасталар. Бувайдадаги педагогика коллежида ўқийдиган болалардан бири йўловчилар билан суҳбатимизни тинглаб кетаётган экан. Автобус тўхтагач, у биз билан бекатга тушди-ю, бизга эргашди.

— Коллежимизда Халқ демократик партияси аъзолари кўп. Уларнинг меҳнати туфайли ўқиш ва ишларимиз яхши. Коллежимиз ташкил топганига бор-йўғи икки йил бўлди, — деди у. — Шу орада Гулҳаё Исоқова миллий кураш бўйича икки маротаба республика чемпиони бўлди, деди у. — Уч нафар ўқувчимиз турли спорт мусобақалари бўйича кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлдилар. Директоримиз Раҳимахон опа Қўрғонова ҳам ЎзХДП аъзоси. Мен ҳам катта бўлганимда шу партия сафига кирмоқчиман...

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

❖ Тадбир

ҚАРИЯЛАР ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши туман кенгашлари билан ҳамкорликда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан «Фахрийлар — фахримиз» шиори остида тадбир ташкил этди.

Бир гуруҳ фаоллар мазкур тадбир доирасида туман кенгашлари ҳудудида истиқомат қилувчи ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари хонадонларига ташриф буюришди.

Жумладан, Чилонзор тумани 3-даҳа, 39-уй, 25-хонадонда яшовчи Андрей Ишунин, Яккасарой тумани У.Носир кўчаси, 110-уй, 51-хонадонда яшовчи Михаил Каплин, Учтепа туманилик, 82 ёшли Жамил ота Қодиров, Шайҳонтоҳур тумани Хувайдо маҳалласи, Хуромий кўчасида яшовчи 93 ёшли Нишонбой ота Собировлар хонадонида бўлишди ва уларга совға-саломлар улашишди.

— Мен 90 ёшни қоралаб қолдим, — дейди учтепалик Жамил ота Қодиров. — Дунёда тинчлик, осойишталикдан ортиқ бойлик йўқ. Тўкин дастурхонимиз, хонадонимиз файзи-баракаси бари бугунги осойишта замонимиз туфайли. Ёшлар бунинг қадрини янада чуқурроқ тушунишсин. Мен биз қарияларни қадрлаётган Юртбошимизни дуо қиламан.

Тадбир давомида Чилонзор туманидаги 25 нафар, Учтепа туманидаги 20 нафар, яккасаройлик 7 нафар, Шайхонтохур туманидаги 20 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди ва уларга совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Андижонда «Олтинкўлтекстил» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ишга тушди. Америка Қўшма Штатларидаги «Евро-англо» компанияси билан биргаликда тўғридан-тўғри киритилган 3 миллион 200 минг доллар ҳажмидаги инвестиция ҳисобига Тайвань ва Туркиядан келтирилган замонавий тўқув, бўяш, қуритиш дастгоҳлари монтаж қилиниб, 224 та янги ишчи ўрни яратилди.

Келгусида бу ерда трикотаж матолардан ҳам маҳсулот тайёрлашга киришилгач, яна 150 та иш ўрни вужудга келади.

Ахмадилло СОЛИЕВ

Суратда: қўшма корхонанинг цех бошлиғи Маъруфжон Убайдуллаев тўқувчи Назокатхон Ҳайдарова билан.

Хурсандбек АРАББОЕВ
олган сурат

❖ Муаммо, мулоҳаза, муносабат

ЙЎЛДАН ФОЙДАЛАНУВЧИНИНГ ТАШВИШЛАРИ

Ҳаммамиз, ҳар куни йўлдан фойдаланамиз. Текис равон йўллардан юрсак кўнглимиз шод бўлади, ўнқир-чўнқир, сифатсиз йўллар эса кўнгилни ранжитади.

Йўллар йўловчини шунчаки манзилига элтиш воситаси эмас, уларнинг иқтисодиётга катта таъсири бор. Айни чоғда йўллар ўша мамлакат тараққиёти, маданиятини ҳам белгилайди. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсиш, мамлакат транспорт тизимини халқаро транспорт тизимига интеграциялаш кўп жиҳатдан автомобиль йўллари тармоғининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Мамлакатимизда юкларнинг 85 фоизи автомобиль транспортида ташилишини, йўловчиларнинг 96 фоизи айнан унинг хизматидан фойдаланишини эътиборга олсак, қанча-қанча корхоналар, фуқароларнинг турмуш тарзи бевосита автомобиль йўллари, унинг ривожи билан боғлиқ эканлигини тушуниш қийин эмас.

1992 йилдаёқ мамлакатимизда «Автомобиль йўллари тўғрисида» Қонун қабул қилинган. Йўл қурилиши давлатимиз ва ҳукуматимиз раҳбариятининг диққат марказидаги масалалардан бири бўлиб келган. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини молиялаштиришнинг мақсадли манбаи иқтисодиётнинг ўтиш даврида автомобиль йўлларининг мавжуд тизимини сақлаб қолишга ва транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, биринчи навбатда замонавий автомобиль йўлларини яратиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Мустақиллик йилларида ўта муҳим транзит «артерия»лари комплекс реконструкция қилинди ва таъмирланди. Тошкент — Ўш, Камчиқ ва Резак тоннеллари, Амударё устидан ўтган замонавий автомобиль ва темир йўл кўприги, йирик аҳоли пунктларини айланиб ўтувчи халқа йўллар, мураккаб транспорт ечимлари ва қатор бошқа объектлар қурилди. Тошкент — Термиз, Тошкент — Бухоро — Олот, Қўнғирот — Бейнеу йўллари, Тошкент — Чимён — Чорвоқ дам олиш зонаси, шунингдек, Тошкент автомобиль халқа йўлларининг сифати, равонлиги кўзни қувонтиради.

2003 йили Молия вазирлиги ҳузурида Республика йўл жамғармаси ташкил этилди. Жамғарманинг даромадлари ташкилотлар, хўжаликлар томонидан тўланадиган мажбурий ажратмалар, автотранспорт воситалари эгалари томонидан автотранспорт воситалари қийматидан Ички ишлар вазирлиги бўлимларида рўйхатга олишда тўланадиган бир марталик йиғимлар, хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва транзит ўтиши учун тўланадиган йиғимлардан шаклланади. Ушбу жамғарма умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш харажатларини мақсадли ва самарали молиялаштиришга хизмат қилади. Аввалари буюртмачи ҳам, пудратчи ҳам «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг ўзи эди. Шунинг учун иш сифати ва маблағларнинг ўзлаштирилиши устидан одилона назорат йўқ эди.

— Ўтган йилнинг ўзида йўлсозларнинг 309 миллион сўмликдан зиёд ишлари сифатсизлиги учун қабул қилинмай, камчиликлар пудратчи ҳисобидан бартараф этилди, — дейди йўл жамғармаси директори муовини Бердимурод Зоҳидов, — Бугунги кунда фақат «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясигина эмас, тендер талабларига жавоб берган исталган корхона, мулкчилик шаклидан қатъи назар, йўл жамғармаси буюртмасини бажариши мумкин. Бу эса ўз-ўзидан рақобатни юзага келтиради, бажарилган иш сифатига кафолат яратади.

Жамғарма даромадлари тушуми йил сайин ошиб бораяпти — 2004 йилда тушум 169,0 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йилда 206,6 миллиард сўмни, 2006 йилда 270,0 миллиард сўмни ташкил этган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишни ташкил этишни ҳамда сифатини назорат қилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида Низом дея қабул қилинди. Демак, йўл жамғармаси маблағидан оқилона фойдаланиш устидан назорат янада кучаяди.

Автомобиль йўлларини яхшилаш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар, чора-тадбирларни бежиз санамадик. Бу хайрли ишлар, албатта, автомобиль йўлларининг ривожига хизмат қилади. Аммо, бугунги мавзу фақат равон йўллар ҳақидагина эмас. Гоҳида йўлдан фойдаланувчилардан йўлларнинг сифатсизлиги, бу ҳол ҳаракатни қийинлаштириши, автомобилларга шикаст етказиши ҳақида ҳам эшитиб қоламиз. Бу бор гап, ҳатто энг ривожланган мамлакатлар ҳам йўл муаммосидан ҳоли эмас. Шундай экан, улардан кўз юмиб бўлмайди. Шу ўринда бир воқеа ёдга тушади.

...Бир куни мен минган такси ҳайдовчиси машина рулини кутилмаганда кескин чапга олиб, деярли қарши йўналишга чиқиб қолди. Оқибатда рўпарадан келаётган «Нексия» билан тўқнашиб кетаёзди. «Нексия» ҳайдовчиси машина ойнасидан бошини чиқариб, оғзига келганини айтди.

— Узр ака, айб менда, чуқур жой бор экан, айланиб ўтмоқчи эдим, — деди таксичи.

Ҳар иккала машина йўлида давом этди.

— Бояги чуқурни кўрдингизми? — дея куюниб гапира кетди ҳайдовчи. — Уни айланиб ўтмасам, машинага шикаст етаҳди, фалон пулга таъмирлатишим керак. Менинг ўрнимда бошқа ҳайдовчи бўлса ҳам шундай қилган бўларди. Йўлларнинг носозлиги машинанинг умримни қисқартиради...

Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ходимлари билан шаҳар кўчаларини айланар эканмиз, шунчаки оддий йўлдан фойдаланувчи эмас, синчков истеъмолчи назари билан қарашга ҳаракат қилдик.

Ҳеч ким инкор этолмайди, кейинги йилларда пойтахтимиз марказидаги кўчалар, йўлаклар анча кенг, равон бўлди. Кўп ишлар қилинди. Бундай йўлларда ўзингиз ҳам, машинангиз ҳам азият чекмайди.

Аммо... ҳудудий бирлашма мониторинг бўлими бошлиғи Баҳодир Исломов Чилонзор туманидаги Заргарлик кўчасида машинасини эҳтиётлик билан бошқаришига тўғри келди. Ҳар қадамда ўйдим-чуқур, биттасини четлаб ўтган билан машина ғилдираги иккинчисига тушиб кетади. Таъмирланган чуқурлардан шағал чиқиб, сочилиб ётибди.

Шаҳар марказидан Фарғона шоҳкўчасига бурилдик. Биринчи кўприк ўйдим-чуқурлардан иборат. Электроаппарат заводи рўпарасидаги бекат олдида ёмғир суви тўпланган, автобус кўлмакни четлаб, йўлнинг деярли ўртасидан тўхтади. Навбатдаги кўприкдан ортга қайтиш учун бурилдик. «Қайрилиш» йўлининг аҳволи ҳам ачинарли...

— Ушбу йўлларни ҳар йили таъмирлаймиз, аммо қишдаги ёғингарчилик туфайли йўллар яна аввалги ҳолига келади, — дейди шаҳар марказий йўллар, сунъий иншоотларни сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи муовини Шукрулло Ҳабибуллаев. — Фарғона шоҳкўчаси, Заргарлик кўчаси йўллари жорий йилда капитал таъмирлаш режасига киритилган.

Бошқарма раҳбарлари йўлларни сақлаш учун маблағ етишмаслиги, техникалар эскирганлигини гапиришди. Лекин яхши янгиликлар борлигини ҳам айтишди. Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси янги техника ваъда қилибди, асфальт ишлаб чиқариш линияси олиш режалари ҳам бор экан. Ўшанда асфальт ҳозир сотиб олинаётганидан икки баравар арзон тушармиш...

Вилоят марказлари, туманлардаги йўлларимиз аҳволи ҳақида ҳам, афсуски, фақат мақтов сўзларини айта олмаймиз. Камчиликлар, муаммолар етарли. Ва уларнинг ечимини топиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Республика Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги «2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ана шу чоралардан бири бўлди. Ушбу қарорга асосан 2007-2010 йиллар учун халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш дастурлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, аввал ширкат хўжаликлари балансида бўлган хўжаликлараро автомобиль йўллари инвентаризация қилиниб, тегишли туман ҳокимликлари балансига ўтказиляпти.

XORIJDA

ДАВЛАТ РАҲБАРИ

УМУМХАЛҚ САЙЛОВЛАРИ ОРҚАЛИ САЙЛАНИШИ МУМКИН

Туркияда сиёсий вазият ўзгаришларга юз тутмоқда. Шу пайтгача давлат раҳбари парламент томонидан сайланарди. Энди эса умумхалқ сайловлари орқали сайланиши мумкин. Негаки, мамлакат парламенти айнан шу мақсадда Конституцияга ўзгартишлар киритди.

Маълумки, президентликка ягона номзод, мамлакат ташқи ишлар вазири Абдулла Гулни сайлаш учун парламентдаги икки уриниш ҳам бесамар кетди. Шундан сўнг парламент Конституцияни ислоҳ қилишга киришди ва куни кеча Конституцияга киритилган ўзгартишлар лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Мамлакатнинг ҳукмрон «Адолат ва тараққиёт партияси» томонидан таклиф этилган ушбу лойиҳа учун парламентнинг 376 нафар депутати овоз берди, 55 нафари қарши чиқди. Мазкур ўзгартишларга кўра, президент умумхалқ сайловларида сайланиш билан бирга унинг ваколат муддати қисқартирилади, яъни 5 йил қилиб белгиланди. Ҳозир амалда президент қайта сайланмаслик ҳуқуқи билан 7 йилга сайланади.

«Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, эндиликда Конституцияга киритилган ушбу ўзгартишларни амалдаги президент Аҳмед Неждет Сезер тасдиқлаши лозим. Аммо «Новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича, президент ушбу лойиҳага вето қўллаши мумкинлигини айтган. Агар воқеалар ривожи шундай якунланса, умумхалқ президент сайловини ўтказиш масаласи умуммиллий референдум кун тартибига киритилади. У эса 22 июль куни навбатдан ташқари парламент сайловлари билан бирга ўтказилиши мумкин.

КОНГРЕССНИНГ ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИ

ИККИ БОСҚИЧЛИ МОЛИЯЛАШ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

АҚШ Конгрессининг қуйи — Вакиллар палатаси Американинг Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий амалиётларини молиялашни икки босқичда амалга ошириш учун овоз берди. Ушбу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаб, 221 конгрессмен овоз берди, 205 нафари эса қарши чиқди.

Мазкур янги қонун лойиҳасига кўра, — дейилади «Associated Press» ахборот агентлиги хабарида, — Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий амалиётларни молиялаш учун шу йил 1 августгача Пентагонга 42,8 миллиард долларлик маблағ ажратиш кўзда тутилган. Бу жараён якунлангач, маблағ ажратишнинг иккинчи босқичи учун (52,8 миллиард доллар) овоз бериш бошланади. Бу Америка қўшининнинг Ироқдаги ҳарбий амалиётлари нечоғли самара бераётганига қараб амалга оширилади.

Аммо АҚШ президенти Жорж Бушга Конгресснинг бу лойиҳаси ҳам ёқмади. У бу лойиҳага ҳам вето қўллаши ҳақида баёнот берди.

Эслатиб ўтамиз: май ойи бошларида Конгресснинг иккала палатаси томонидан маъқулланган ва 2008 йилда Ироқдан Америка қўшинларини олиб чиқиб кетиш шарти билан Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий амалиётлар учун 124 миллиард долларлик маблағ ажратилиши кўзда тутилган қонун лойиҳасига ҳам вето қўллаган эди. Ушбу ветони бекор қилиш масаласи Конгрессда овозга қўйилди, лекин етарли овоз ололмади.

БУЮК БРИТАНИЯ БОШ ВАЗИРИ

ШУ ЙИЛ 27 ИЮНДА ИСТЕЪФОГА ЧИҚИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Англиянинг шимоли-шарқидаги Сежфилд округида ўз сайловчилари билан учрашиб, шу йил 27 июнда бош вазирлик лавозимидан ва Лейбористлар партияси етакчилигидан истеъфога чиқиши ҳақида эълон қилди. Энди етти ҳафта муддат ичида лейбористлар ўзларига янги етакчини сайлашлари лозим. Партия етакчиси эса автоматик равишда бош вазирлик курсисини эгаллайди.

Амалдаги молия вазири Гордон Браун партия етакчилигини эгаллаши кутилмоқда.

Умуман, Тони Блэр Лейбористлар партияси тарихида мамлакатни энг узоқ муддат бошқарган (10 йил) бош вазир бўлиб қолмоқда.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КЕНГАШ

САРКОЗИНИ ПРЕЗИДЕНТ ДЕЯ РАСМИЙ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Франция Конституциявий кенгаши мамлакат президентлиги учун бўлиб ўтган сайловларнинг иккинчи тури натижаларини расмий тасдиқлади ва Николя Саркозини республиканинг янги президенти дея расмий эълон қилди.

Конституциявий кенгаш қарорига кўра, Николя Саркози учун 53,06 фоиз, унинг рақиби Сеголен Руаял хоним учун эса 46,94 фоиз сайловчи овоз берган.

Амалдаги президент Жак Ширак шу йил 16 май куни ўз ваколатини Саркозига топширади, дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида.

ОРОЛДА АВТОМОБИЛЛАР

ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИДА ЭМАС, БАЛКИ КОКОС МОЙИДА ҲАРАКАТЛАНАДИ

Папуа-Янги Гвинеянинг Бугенвил оролида автомобиллар эндиликда дизел ёнилғисидан эмас, балки кокос мойидан ҳаракатга келяпти.



«BBC»нинг хабар беришича, оролда кокосларни қайта ишлайдиган махсус завод қурилган. Шунинг учун автомобиль ёнилғиси уларга арзонга тушмоқда.

Эндиликда бугенвилликлар кокос ёнилғисини экспортга чиқаришни мўлжаллашмоқдалар. Негаки, кокосни қайта ишлаш билан Эрон ва Европа мамлакатлари қизиқиб қолди. Шунинг учун улар Бугенвил маъмуриятига таклиф билан чиқдилар.

Папуа-Янги Гвинея неча ўн йиллардан бери автоёнилғини четдан олади. Гарчи, ёнилғи импорти уларга қимматга тушаётган бўлса-да, автомобилга бўлган эҳтиёж камаяётгани йўқ.

❖ Банк ва мижоз

«ҲАММАГА МАДАДКОРМИЗ»

ДЕЙИШМОҚДА «МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Маълумки, халқимиз азалдан касаначилик билан шуғулланади. Кенг миқёсдаги халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари қадим замонлардан бери уй шароитида тайёрланган. Бироқ, ўтган асрнинг ўрталарида бу иш меҳнатсиз даромадга йўйилиб, кўп жойларда тақиқлаб қўйилгани ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, бу ишга жиддий эътибор бериш бошланди.

Айниқса, «Микрокредитбанк» бу соҳани ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Банкнинг Андижон вилояти бошқармасида бу борада олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Масалан, Избоскан туманида фаолият юритаётган тадбиркор аёл Иродахон Абдураззоқова қисқа муддатда ўз касбининг устасига айланишида банк кўмагига таянди. У уй шароитида «синтифон» материалидан кўрпа-тўшак тикишни ўзлаштирди. Ҳозир унинг маҳсулотлари харидоргир.

Гап шундаки, у ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун «Микрокредитбанк» АТБ Избоскан туман бўлимидан йиллик 5 фоизли 600 минг сўм микрокредит олганди. Натижада ишлари юришиб, маҳалларда яшайдиган 5 нафар хотин-қизни ҳам ишга жалб этди.

Эргашхон Холматова эса кўпдан буён миллий услубдаги ўзбекона тўн тикиш билан шуғулланади. Унинг меҳнати маҳсули, айниқса, халқимизнинг тўй-ҳашамларида ва бошқа маросимларида асқотмоқда. У банкнинг Асака бўлимидан 450 минг сўм миқдорида микрокредит олганди. Ана шу маблағ унга аниқ маромдаги фаолият юритиш имконини берди. Бундан ташқари, у кўплаб шогирдлар ҳам етиштирдики, улар ҳам бинойидек чевар бўлиб қолишган.

Банк бошқармаси жамоаси нафақат тадбиркор аёлларга, балки якка тартибдаги турли ҳунармандлар ва фирмаларга ҳам молиявий мадад бермоқда. Шу боис «Чўлпон» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Баҳодир Қирғизов ҳам банк хизматидан миннатдор. У тикув цехини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида анчагина ҳаракат қилди. Банк филиалидан 6 млн. 200 минг сўм миқдорида кредит олди. Замонавий асбоб-ускуналар, тикувчилик дастгоҳлари келтирилди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ўз харидорини топаётир.

Яна бир мисол: якка тартибдаги тадбиркор Ҳолмуҳаммад Рўзиматов миллий ҳунармандчиликни, яъни дурадгорликни ривожлантириш мақсадида банкдан 600 минг сўм имтиёзли микрокредит олган эди. Ҳозир у тайёрлаётган миллий безак берилган эшик-дарвозалар, турли устунлар эл корига ярамоқда. Уйлар кўркига-кўрк қўшмоқда.

«Микрокредитбанк» АТБ Андижон вилоят бошқармаси фаолиятидан избосканлик Илҳомжон Мирзаев, шаҳрихонлик уй бекалари Ҳаётхон Акромова, Зарифа Халилова, андижонлик кулол Дониёрбек Жалилов, Андижон туманидаги хусусий тадбиркор Акбаржон Назаров сингари кўплаб фуқаролар мамнун бўлишмоқда.

Туманларда бошқарманинг 8 та филиали ва 16 та минибанки фаолият юритмоқда. Мижозлар эса кўпайиб бормоқда. Масалан, шу йилнинг уч ойидаёқ 600 дан зиёд фуқаро банк мижозига айланди. Банк томонидан бериладиган имтиёзлар тарғибот қилиниб, маҳаллалар, «Тадбиркор аёл» уюшмаси аъзолари, ҳунармандлар орасида кенг тушунтирилганлиги сабабли шундай бўлди. Бот-бот семинарлар ҳам ўтказиб турилди.

2006 йил охиригача 126 нафар тадбиркор аёлга микрокредит ажратилди. Тадбиркорлик бўйича янги иш бошлаган аёлларга бошланғич сармояни шакллантириш учун 54 млн. 691 минг сўм микрокредитлар берилганлиги кўпчиликни қувонтирди. Айланма маблағни шакллантириш учун 200 млн. сўмдан зиёд микрокредит ажратилди. Ўтган йили 298 та, бу йил эса 270 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Бошқармада факторинг ва лизинг хизматлари каби банк хизматларининг янги турлари ўзлаштирилмоқда. Аккредитивлар бўйича хизматлар, пластик карточкалар ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш, истеъмол кредитлари ажратиш, омонатларнинг эътиборни тортадиган янги турларини жорий этиш ва бошқа хизматлар яхши йўлга қўйилмоқда. Ўзининг кичик корхонасини очаётган тадбиркорлар эса биринчи галда корхонани замонавий ускуналар, бозор талабига қараб тез ўзгартириш мумкин бўлган ихчам технологиялар билан жиҳозлашга эътибор қаратмоқдалар. Пировардида рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпаймоқда.

Пул муомаласини барқарорлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш ва муомаладаги нақд пул маблағларини қисқартириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Мижозларнинг нақд пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида пул айланиши, тез сотиладиган халқ истеъмоли моллари сотувидан тушган нақд пул маблағлари устидан мониторинг ўрнатилди. Банк хизмат кўрсатадиган ташкилот ва муассасаларнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиришга, уларнинг тўлов интизомини мустаҳкамлашга ва тўловлар ўз вақтида амалга оширилишига йўналтирилган мунтазам ишларни олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Микрокредитбанк» АТБ Андижон вилоят бошқармаси томонидан жами 9500 дона пластик карточкалар эмиссияга чиқарилган бўлиб, 32 та терминал ўрнатилган. Ушбу савдо терминаллари орқали 39 млн. 850 минг сўмдан ортиқ миқдорда пул айланмаси амалга оширилди. Ўтган йили қўшимча 9 та терминал ўрнатилганди. Умуман олганда хизмат кўрсатиш терминаллари орқали 299 млн. 609 минг сўмликдан зиёд савдо айланмасига эришилди.

Аҳолидан коммунал тўловларни йиғиш ва фуқароларнинг қарздорликларини камайтириш бўйича қатор ишлар бажарилди. Масалан, 2007 йил давомида электр энергиядан бўлган қарздорликнинг 11 млн. 348 минг сўми нақд пулда, 16 млн. 151 минг сўми пул ўтказиш йўли орқали ундирилди. Табиий газдан эса йил бошидан буён 11 млн. сўмдан ортиқ маблағ нақд пулда, 6 млн. 843 минг сўм пул ўтказиш йўли билан қабул қилинди. Алоқа хизмати учун эса 667 минг сўм миқдоридаги қарздорлик бартараф этилди.

Дарвоқе, бу ерда мижозларга лизинг хизматлари кўрсатишга ҳам жиддий эътибор берилаётир. 150 нафар мижозга 380 млн. сўмлик лизинг хизмати кўрсатилганлиги фикримиз далилидир. Жумладан, Асака туманидаги «Шамс» хусусий фирмасига полиграфия ускунаси, Булоқбоши туманидаги «Булоқбоши дури» хусусий корхонасига тикув дастгоҳлари, Андижон шаҳридаги «Мева-сабзавотларни қайта ишлаш» корхонасиґа меваларни қуритиш ускунаси лизинг асосида олиб берилди. Фермер хўжаликларига турли хилдаги техника ва технологияларни ҳамда машина механизмларининг эҳтиёт қисмларини етказиб беришда ҳам амалий ёрдам кўрсатилмоқда. 2007 йилнинг 1-чораги давомида лойиҳаларни молиялаштириш учун 541 млн. 800 минг сўм кредит маблағи ажратиш режалаштирилган эди. Бу кўрсаткич ҳозиргача 816 млн. 500 сўм қилиб бажарилди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини кафолатли омонатларга жалб қилиш мақсадида янги омонат турлари жорий этилмоқда. «Орзу», «Тадбиркор», «Нуроний», «Сиҳат-саломатлик», «Истеъмол», «Мучал», «Омад» сингари 14 хилдаги омонат турлари мавжуд. Бундан ташқари, мижозлар ишончига сазовор бўлган пластик карточкалар орқали фаолият кўрсатувчи, йилига 20 фоиз даромад келтирадиган «Хазина карт» омонат тури жорий этилганлиги кўпчиликни хурсанд қилди.

Юртимизда баҳорнинг сўнгги ойи давом этмоқда. Бундай паллаларда банк ходимлари деҳқонга ҳам, фермерга ҳам, тадбиркорга ҳам мададкор бўлмоқдалар. Уларнинг нияти — ҳамиша эл хизматида бўлиб, юртимиз фаровонлигига янада баракали ҳисса қўшиш.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Суратларда: *банк биносининг умумий кўриниши; мижозлар банк хизматидан мамнун.*

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

ВА... ҲУҚУҚЛАРИ

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, республикамизда мавжуд 183,8 минг километр автомобиль йўлларининг 59,3 минг километри хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини ташкил этади.

Ширкат ва уюшмалар тугатилгач, эгасиз қолган ушбу йўллар маҳаллий ҳокимликлар балансига ўтиши билан, йўлларнинг ҳозирги ҳолати аниқланиб, тоифаларга бўлинади, маҳаллий ҳокимиятлар бу йўлларнинг ҳолатини назоратга оладилар. Ва маҳаллий ҳокимликлар йўлларни таъмирлаш, уларни ривожлантириш учун бюджет параметрлари доирасида ва қўшимча маблағлар ҳисобидан маблағ ажратиш имконига эга бўладилар.

Айни кунда эса Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонуннинг янги лойиҳаси юзасидан қизғин муҳокамалар давом этяпти. Муҳокамалар жараёнида давра суҳбатлари, фикр алмашувлар ташкил этилди.

Қонуннинг бир жиҳатига эътибор қаратмоқчи эдик, яъни талабга жавоб бермайдиган йўллар бор экан, бу йўллардан фойдаланувчиларнинг — истеъмолчининг ҳуқуқлари ҳимояси қандай? У йўлнинг ёмонлигидан азият чеккан, зиён кўрган тақдирда ўз ҳаққини талаб қила оладими?

Дарвоқе, автомобиль йўлларининг мулкдорлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажармаганлиги оқибатида йўл шароитлари ёмонлашуви туфайли юз берган йўл транспорт ҳодисалари натижасида етказилган зарарни автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларга тўлашлари шартлиги ва улар юз берган ҳодиса оқибатларининг оғирлик даражасига қараб интизомий, мулкий, маъмурий ёки жиноий жавобгар бўлиши амалдаги қонунда ҳам белгиланган. Аммо ушбу масалада йўлсозлар билан бўлган суҳбатларда улар ўз фаолиятларида бундай воқеа бўлганлигини эслай олишмади. Яқинда шундай воқеага дуч келдим.

...Автосервисда таъмирланаётган «Ауди» автомашинаси эгаси Дмитрий шундай деди:

— Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирида бораётган эдим. Машинамнинг чап ғилдираги чуқурга тушиб кетди, машинамнинг чап қаноти мажақланди, диск қийшайиб, ғилдирак ҳам яроқсиз ҳолга келди.

Ҳа, йўлнинг носозлиги Дмитрийнинг чўнтагига бир неча юз минг сўм зиён келтирди.

— Зарарни йўл эгасидан ундириб олишингиз мумкин-ку, ҳаракат қилиб кўрмадингизми?

— Э, ким ҳам тўларди. Қайтага вақтим кетади, — қўл силтади Дмитрий.

Ҳайдовчининг аҳволини тушунса бўлади: биринчидан бундай ҳолларда кимга, қандай мурожаат этишни кўпчилик билмайди. Билганлар эса бирор нарса ундириб олишига кўзи етмайди.

Қонунга кўра эса йўл шароитлари билан боғлиқ ҳолда юз берган йўл транспорт ҳодисалари ҳужжатлари автомобиль йўлининг тегишли бўлаги мулкдорлари вакиллари иштирокида расмийлаштирилади. Назаримизда «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонуннинг янги лойиҳаси қабул қилиниши бу масалаларга муносабатни ўзгартиради, истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя этади. Бундан ташқари, суғурта тизими фаолиятини жонлантириш лозим кўринади. Энг муҳими, одамларга буни тушунтириш ва уларни қонунга ишонтириш талаб этилади.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Вилоят ҳокимлиги ижроия идораси маъмурий биноси ва мажлислар залини капитал таъмирлаш»
Қурилишни тугаллаш муддати: 60 кун.
Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.
Телефон: (8372) 222-31-59, 222-30-11.

Қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Жиззах вилояти, А.Фозилов номли Зомин «Мурувват» уйи қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Жиззах вилояти, Зомин тумани, Ём қишлоғидаги А.Фозилов номли Зомин «Мурувват» уйининг 3-корпусини капитал таъмирлаш».
Қурилишни тугаллаш муддати: 110 кун.
Буюртмачи манзили: Жиззах вилояти, Зомин тумани, Ём қишлоғи.
Телефон: (8372) 325-01-12.

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

❖ Интеллектуал бойликка эга ёшлар — келажагимиз

ҲАЁТБАХШ МАҚСАДЛАР

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ ОЛИМПИЯ ЗАХИРАЛАРИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА «МАҲОРАТ — 2007» КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

«Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқ...» Бугун бу ҳаётбахш ният мамлакатимиз саркониятлар, улар камолоти йўлида бажарилаётган ишлар замирида ҳам ана шу эзгулик мужассам.

Юртбошимиз яқинда Хотира ва Қадрлаш байрами муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда ёшларимизга қарата алоҳида таъкидлаб айтганларидек, эртанги кун, ҳеч шубҳасиз, интеллектуал бойликка эга бўлган миллатники, ёшларники.

Дарҳақиқат, куни кеча Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари касб-ҳунар коллежида ташкил этилган «Маҳорат — 2007» кўргазмаси ҳам Президентимизнинг бу даъвати нечоғли улкан аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Тошкент вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур анжумандан мақсад, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёшлар таълим-тарбияси учун яратилган имкониятларни кўрсатиш, у ерда билим олиб, ҳунар эгаллаётган ўқувчилар томонидан яратилган мустақил ишлар, ижодий изланишларни намойиш этишдан иборат. Яна бир жиҳати, ушбу кўргазмага ташриф буюрган бу йилги мактаб битирувчилари ўзлари қизиққан ҳаҳдлари оша дунё бўйлаб ўзбекнинг ўз овози, мағрур сўзи, келажак мақсади бўлиб янграмоқда, эртанги кун учун қайғурган халқимиз орзу-интилишларини рўёбга чиқармоқда. Ёшларимиз учун яратилаётган беқиёс имкониятлар, улар камолоти йўлида бажарилаётган ишлар замирида ҳам ана шу эзгулик мужассам.

Юртбошимиз яқинда Хотира ва Қадрлаш байрами муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда ёшларимизга қарата алоҳида таъкидлаб айтганларидек, эртанги кун, ҳеч шубҳасиз, интеллектуал бойликка эга бўлган миллатники, ёшларники.

Дарҳақиқат, куни кеча Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари касб-ҳунар коллежида ташкил этилган «Маҳорат — 2007» кўргазмаси ҳам Президентимизнинг бу даъвати нечоғли улкан аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Тошкент вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур анжумандан мақсад, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёшлар таълим-тарбияси учун яратилган имкониятларни кўрсатиш, у ерда билим олиб, ҳунар эгаллаётган ўқувчилар томонидан яратилган мустақил ишлар, ижодий изланишларни намойиш этишдан иборат. Яна бир жиҳати, ушбу кўргазмага ташриф буюрган бу йилги мактаб битирувчилари ўзлари қизиққан йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари фаолияти билан яқиндан танишиб, улар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўладилар.

Анжуманнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар иккинчи бор ташкил этилган мазкур тадбир кўплаб ёшлар учун имконият эшикларини очишини таъкидлаб ўтдилар. Қолаверса, бундай нуфузли анжуманлар мамлакатимизда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бўғинида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини кўрсатиши баробарида вилоятдаги мавжуд илм масканлари ютуқлари, интеллектуал салоҳиятини намойиш этиши ҳақида сўзладилар.

Шундан сўнг, кўргазмага ташриф буюрган мактаб ўқувчилари, педагоглар, ўқув даргоҳлари раҳбарлари ва ота-оналар коллежлар ўқувчилари ижодий ишлари билан танишишга таклиф этилди. Кўргазмадан бошқарма тасарруфидаги 80 та таълим муассасаси фаолияти, эришган ютуқлари ҳамда касб-ҳунар ўргатишдаги тажрибалари ҳақида ҳикоя қилувчи стендлар, плакатлар, ҳар хил ишланма ва миллий ҳунармандчилик буюмлари ўрин олган бўлиб, уларга ҳар ким ўз баҳосини берди.

— Мен ушбу кўргазмада ўзим ясаган робот билан иштирок этмоқдаман, — **дейди Ангрен компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Темур Акрамов.** — Бугун дунёда компьютер технологияларига бўлган талаб биринчи ўринга чиқди. Бизнинг коллежимиз вилоятда Германия лойиҳаси асосида Германия — Ўзбекистон ҳамкорлиги бўйича ишлаётган ягона илм даргоҳи бўлиб, электроника йўналишига ихтисослашган.

Комила МАВЛОНОВА, Бекобод педагогика коллежи ўқитувчиси:

— Биз «Маҳорат — 2007» кўргазмасига ўқувчиларимиз ясаган коллежимиз макетини, шунингдек, ўқитувчиларимиз томонидан яратилган ўқув қўлланма ва дарсликлар ҳамда зардўзлик тўгараги ишларини олиб келдик. Бу тўгарак аъзоси Ирода Тўрабоева зардўзлик буюмларини тикиш бўйича бир неча кўрик-танловларда ғолиб бўлган. Ҳозирда унинг ўзи шогирдлар тайёрламоқда.

Дарҳақиқат, бу иқтидорли қиз тиккан ҳар хил нафис буюмлар кишини ҳайратга солади. Уларга тикилиб, халқимизнинг асрлар бўйи эзозланиб келаётган заргарона бу ҳунари яна минг йиллар давом этишига ишонасиз. Ироданинг орзуси — келгусида ўзи мустақил корхона очиб, зардўзлик касбини ривожлантириш.

— Бу йил мактабимизни 60 нафар 9-синф ўқувчилари битиришади. Ушбу кўргазмада ўқувчиларимизга кўпроқ тиббиёт, иқтисодиёт ва тикувчилик, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳамда компьютер технологиялари йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари фаолияти маъқул бўлди, — **дейди Паркент туманидаги 9-мактаб директори Нафиса Дўсматова.** — Ўйлайманки, улар бугунги анжумандан сўнг ўзларига мос касбни танлаб олишади.

Кўргазмадан ўрин олган бошқа кўплаб коллеж ва академик лицейлар мустақил ишларини кўриб, уларни ясаган ўқувчилар билан суҳбатлашиб, бугун қалбида ҳунар эгаллаб мамлакат довруғига, унинг ривожига ўз ҳиссасини қўшишдек олижаноб ниятларини амалга ошираётган ёшлар авлоди етишиб келаётганига гувоҳ бўлдик. Энг муҳими, мамлакатимизда бу ёшлар орзу-интилишларини рўёбга чиқариши учун мос шароит, қулай имконият, асосийси, юксак эътибор ва рағбат мавжуд.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *«Маҳорат–2007» II вилоят кўргазмаси фаолиятидан лавҳалар.*

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
11212 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 21.45
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda

❖ Бугун — Халқаро ҳамширалар куни

«ОҚ ЛИБОСЛИ ФАРИШТА»ЛАР

Соғлик одамнинг энг катта бойлигидир. Тиббиёт ходимлари сизу бизнинг ана шу бойлигимизни ҳимоя қиладилар. Одатда беморлар учун кўпроқ ҳамширалар жон куйдирадилар, белгиланган тиббий муолажаларни амалиётда бажарадилар.

Дунё ҳамширалари, мана, юз йилдан ошибдики, 12 майни ўзларининг касб байрамлари сифатида нишонлайдилар. Маълумки, 1899 йилда хотин-қизларнинг биринчи касбий уюшмаси — Халқаро ҳамширалар кенгаши тузилган ва улар дастлаб «оқ либосли фаришта»лар деб аталган.

Мамлакатимизнинг тиббиёт муассасаларида бугунги кунда 260 минг нафарга яқин ўрта тиббиёт ходимлари, 645 нафар олий маълумотга эга бўлган ҳамширалар халқимиз саломатлигини сақлаш ва тиклаш йўлида жонбозлик кўрсатишяпти.

Бугунги ҳамшира бундан 15-20 йил илгариги ўрта тиббиёт ходимидан ўзининг касб маҳорати билан тубдан фарқ қилади. Оддий мисол: Ҳозирги кунда республикамиз қишлоқ врачлик пунктларида фаолият кўрсатаётган 300 нафардан ортиқ ҳамшира Исроил давлатида, вилоят ҳамда даволаш-профилактика муассасаларининг 20 нафар бош ва катта ҳамширалари JICA агентлиги томонидан Японияннинг нуфузли тиббий масканларида малака ошириб келишди.



Халқаро ҳамкорлик тиббиёт тизими тараққиётига хизмат қилади. Айниқса, ҳамширалар фаолиятида янги технологияларни жорий этиш муҳимдир. Маълумки, мамлакатимизга ташриф буюрган (Япония халқаро агентлиги) — JICA экспертлари билан ҳамкорликда 30 дан зиёд турли мавзулар бўйича ўқув-семинарлар ташкил этилди. Ва даволаш муассасаларида беморларни парваришлаш, тиббиёт коллежларини асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун грант ажратилди.

Маълумки, 2004 йилдан бошлаб ҳамширалар таълимини такомиллаштириш мақсадида I-Республика тиббиёт коллежи ва Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази билан ҳамкорликда ҳамширалари тайёрлашда янги технологияларни жорий этиш, беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини янада кучайтириш учун «Ҳамширалар таълимини такомиллаштириш» лойиҳаси амалга ошириляпти, ўқув дастурлари қайта ишлаб чиқиляпти.

Ҳар йили анъанавий республика «Ҳамшира» кўрик-танлови бўлиб ўтмоқда. Танлов ғолиблари тиббиёт институтларига имтиёзли равишда қабул қилинмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳамшира бемор билан шифокор ўртасидаги кўприкка ўхшайди. Одатда ҳамшира бемор теграсида парвона бўлиб, тиббий муолажа билан танни даволайди, ширин сўзи, меҳр-шафқати билан руҳий мадад беради. Шул боис ҳам дунёда ҳамширалари «оқ либосли фаришта»лар дея суйиб ардоқлайдилар.

Саида ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

«НЕФТЧИ»НИНГ ИМКОНИЯТИ ҚАНДАЙ?

Футбол бўйича Осиё чемпионлари лигаси гуруҳ баҳсларининг бешинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Мусобақанинг «С» гуруҳида қатнашаётган мамлакатимиз миллий чемпионати пешқадами Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари ўз майдонида Ироқнинг «Ал-Нажаф» жамоасига қарши тўп сурди. Бу жамоаларнинг биринчи даврада ўтган ўйинида Юрий Саркисян шогирдлари Акмал Холматов томонидан киритилган ягона тўп эвазига зафар қучишганди.

Жавоб учрашувида агар ҳамюртларимиз ғалаба қозонишса, муддатидан олдин чорак финал йўлланмасини деярли ҳал этишарди. Ўйинда гарчи, фарғоналиклар етакчиси Акмал Холматов яна ҳисобни очган бўлса-да, аммо меҳмонлар ҳужумчиси Али Муҳаммад ўртадаги фарқни йўққа чиқарди ва учрашувда дуранг натижа қайд этилди — 1:1.

Гуруҳнинг «Ал-Садд» (Қатар) — «Ал-Карама» (Сурия) жамоалари ўртасида кечган иккинчи баҳс ҳам худди шундай ҳисобда якунланди.

Гуруҳдаги охирги тур баҳслари 23 май куни бўлиб ўтади. Шу куни «Нефтчи» футболчилари Сурия чемпиони «Ал-Карама» жамоаси меҳмони бўлади. «Ал-Нажаф» эса «Ал-Садд» вакилларига қарши майдонга тушади. Фарғоналиклар кейинги босқичга чиқишлари учун сўнгги ўйинда камида бир очкони қўлга киритишса кифоя. Аксинча бўлса, «Пахтакор» футболчилари сингари баҳсларни барвақт якунлашга мажбур бўлишади.

Бешинчи турдан сўнг «С» гуруҳидаги вазият қуйидагича кўриниш олган:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Нефтчи»	5	3	1	1	6-5	10
«Ал-Карама»	5	2	2	1	9-7	8
«Ал-Нажаф»	5	1	2	2	8-8	5
«Ал-Садд»	5	1	1	3	6-9	4

Турнирнинг «В» гуруҳида иштирок этаётган мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» жамоаси бешинчи турда дам олди. Пахтакорчилар сўнгги учрашувни 23 май куни Тошкентда Қувайтнинг «Қувайт» СК футболчиларига қарши ўтказадилар.

Эркин ХОЛБОБО

❖ Фанимиз фидойилари

ИЛМ БЕРМОҚ БАХТИ

Тарихдан маълумки, дунё илм-фанининг шаклланиши ва ривожланишида юртимиз олимларининг хизмати беқиёс бўлган. Айниқса, бугунги кунда фанимиз фидойилари илмий изланишлар олиб бориб, катта муваффақиятларга эришишмоқда. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Суратбек Юсупов келажакда мамлакатимиз салоҳиятини юксалтиришга хизмат қиладиган баркамол авлод тарбияси билан шуғулланаётган шундай фидойи олимлардан бири.

У 1963 йилда ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирди. Ундаги илмга қизиқиш ва иштиёқни талабалик давридаёқ англаган устозлари уни институтда олиб қолишга қарор қилдилар. Шу тариқа ёш олим илмий фаолият билан жиддий шуғулланишга, фаннинг ҳали очилмаган қирраларини ўрганишга аҳд қилди. Шу мақсадда аввал аспирантурада, сўнгра докторантурада таҳсилни давом эттирди. У тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли фаннинг муҳим жиҳатларига бағишланган номзодлик, 1991 йилда эса докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Меҳнат фаолиятини қорақўлчилик кафедрасида ассистентликдан бошлаган Суратбек Юсупов институтда қатор вазифаларда ишлади, айни пайтда ҳам илмий фаолият билан машғул.

Домланинг Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти кафедра мудири ва проректорлик фаолияти давомида кафедранинг илмий ва кадрлар салоҳияти кучайди, фанларнинг ўқитилиш жараёни такомиллашди. Энг муҳими, институтнинг илмий-тадқиқот доираси кенгайди. Хусусан, олимнинг бевосита раҳбарлигида қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг юқори маҳсулдор зотлари, ўсимлик навлари, ветеринария препаратлари, ҳайвонлар касалликларини даволаш усуллари яратилди. Булар эса айни пайтда мамлакатимиз қорақўлчилиги ривожига хизмат қилмоқда.

Заҳматкаш олим қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар, монография, 200 дан ортиқ илмий-услубий мақолалар муаллифи, 15 дан зиёд илмий ишланмаси ишлаб чиқаришга жорий этилган. Суратбек Юсупов фаолиятининг муҳим қирраси шуки, унинг илмий раҳбарлигида қорақўлчилик соҳасининг долзарб муаммоларини ечишга йўналтирилган 10 га яқин номзодлик ва докторлик иши муваффақиятли ҳимоя қилинган.

— Одам ҳаёти давомида ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтсагина ўз мақсадига эришаркан, — дейди Суратбек Юсупов. — Оғир шароитларда ўқидик... Ётоқхоналар аҳволи ачинарли эди. Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Чунки бугун улар пухта илм олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароит муҳайё. Ёшлардан эса фақатгина изланиш, интилиш, мустаҳкам ирода ва матонат талаб этилади. Улуғлардан бири «Ўз ишини топа олган одам саодатлидир», деган эди. Мен ҳам ўз саодатимни топганман. Ёшларга, юртимизнинг келажак авлодини тарбиялашга ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

❖ Бўлган воқеа

«ЁРИП ТЕША...» ҲАНГОМАСИ

Кулгўга мойил, ажойиб халқимиз бор. Ҳар бир давра, тўю томошаларимиз хушчақчақлик билан ўтади. Кишининг соғлом ва узоқ умр кўришида ҳам шодон кунларнинг ўрни беқиёс экан.

Яқинда бир дўстимизнинг уйига бордик. Узоқ-яқиндан биродарлар йиғилишибди. Энди давра қизиганда полвонсифат бир киши кириб келди. Салом-аликдан сўнг, олинг-олинг бошланувдики, кутилмаганда меҳмонлардан бири «Оғайнилар, бир камбағалнинг тўйи бузилмасин, дастурхонга дуо қилайлик», деб қолди. Атрофдагилар ҳайрон. Ўзи даврага эндигина файз киираётганда, бу нимаси?

— Мен жиддий айтаяпман. Ҳозир бу полвон ё бировимизни ёради ёки тешади. Шундай экан, обрў борида хайрлашган маъқул.

Бу ҳангома тафсилотини билганлар бирдан хохолаб кулиб юборишди. Бошқалар эса кўз қири билан унга қараб-қараб қўярди. Яна кимдир жим. Ахийри, янги меҳмон бошидан ўтган саргузаштни айтиб берадиган, давра эса давом этадиган бўлди.

— Фамилиям Ёров, исмим Теша, — деб ҳикоясини бошлади у. — ...Ўшанда заводда қоровул бўлиб ишлардим. Биласизлар, қоровул ҳар қандай вазиятда ҳам вазифасини бажариши керак.

Кунларнинг бирида жамоа тўйга кетди: Заводда ҳеч ким йўқ. Энди тушлик қилаётгандим, телефон жиринглади.

— Директор қани? — сўради нотаниш киши.

— Тўйда, — дедим шошиб.

— Инженер-чи?

— У ҳам тўйда.

— Бош бухгалтер бордир?

— «Коллектив»нинг тўйи бўлгандан кейин бош бухгалтер заводда нима қилади? — дедим аччиқланиб.

...«Дут-дут» этган овоздан сўнг иштаҳа билан овқатланишни давом эттираётгандим, яна телефон жиринглади. Трубкани кўтарсам, ҳалиги киши. Бирдан дағдағага ўтди.

— Ўзи заводда тирик жон борми?

— ...Ҳозирча менман.

— Сен кимсан? — ўшқирди у.

— Қоровулман.

Эшитмади шекилли, яна бақирди.

— Ким?

— Тешаман.

— Нима, қанақа Тешасан?

— Ёрип Тешаман?

— Нима?

— Ёрип Тешаман...

Охирги гапимдан сўнг ҳалиги нотаниш киши негадир тутоқиб кетди:

— Нима? Кимга айтаяпсан?! Ҳали директор-пиректорнинг билан йўқ қилмасам...

— Баттар бўл, — дедим-да гўшакни жойига қўйдим. Ахир директор қайноғам бўлса, ким ҳам менга зўрлик қиларди?

Хаёллар оғушида аччиқ кўк чойдан ҳузур қила бошладим. Орадан беш дақиқа ўтмай, милиция машинаси етиб келди. Ҳе йўқ, бе йўқ иккитаси уловга тикди.

— Ҳа, — дедим отдан тушса ҳам эгардан тушмай. — Қаерга?

— Бош директор олдига...

— А-а?

...Мелисалар қўлтиқлаб, қабулга олиб киришди.

— Ассалому алайкум, — дедим сувга тушган мушукдек.

— Боя телефонда гаплашган сенмидинг?

— Ҳа, — дедим овозим базўр чиқиб.

— Нима деб валдираяпсан? Бир ёраман, бир тешаман дейсан? Кимсан ўзи?

— Ишонаверинг, — дедим гап нимадалигини ҳалиям билмай сал-пал довдираб, — ростдан ҳам Тешаман.

Бош директор сапчиб ўрнидан туриб кетди:

— Нима, нима?! Ҳали ёрарсанам?

Шу пайт хонага ҳовлиққанча завод директори — қайноғам кириб келди. Катта бошлиқ унгаям шундай бақирдики...

У зўрға ўзини ўнглаб олиб «Хўжайин, кечирасиз, бунинг памилияси шунақа, «Ёров Теша», деди.

— Э, памилиянгдан ўргулдим, — деди бошлиқ.

Сўнгра, хо-холаб кулиб юборди.

...Орадан 20 йил ўтсаям таниш-билишлар «Ёрасанми, тешасанми?», деб ҳазиллашади. Аввалари жаҳлим чиқарди, ҳозир анча ўрганиб қолдим.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ